*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
9 июнь
ШАНБА

№ 45
(12.473)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

БУГУННИНГ ГАПИ



## ҒЎЗА НИШОНА ГУЛ КЎРСАТДИ

**Бекобод туманидаги "Маҳкамбой ҳожи" фермер хўжалиги 48 гектар майдонга ғўзанинг "Ан-Боёвут" навини эрта ва қулай муддатда экиб, текис ундириб олган эди. Агротехник тадбирлар сифатли бажарилгани, ўғитга тўйдириб, вақтида сувга қондирилгани боис, бугун ғўза гулга кирди.**

Айни пайтда туманда 410 фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Улар ғалла, пахта ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш шартномаларини ҳар йили ортиғи билан бажариб, ҳам мамлакат, ҳам ўзларининг иқтисодий салоҳиятларини мустаҳкамламоқда.

– 2004 йилда 55 гектар ер олиб, иш бошлаган эдик, – дейди "Маҳкамбой ҳожи" фермер хўжалиги раҳбари Ҳошимқул Абдураҳмонов. – Бугунга келиб экин майдонимиз 80 гектарга етди. Айни пайтда 32 гектар майдонда ғалла парваришлаяпмиз. Ўтган йили 45 центнердан ҳосил олган эдик. Бу йил 60 центнерни мўлжаллаяпмиз. Ўзимизнинг ҳайдов, чопиқ ва юк ташишга мўлжалланган техникаларимиз бор. Шу боис, ҳар бир агротехник тадбирни вақтида ўтказиб, ғўзаларнинг дуркун ривожланишига эришдик. Айрим майдонларда кўзга ташлана бошлаган нишона гуллар бу йил пахта ҳосилимиз эрта етилишидан далолатдир.

СУРАТДА: фермер Ҳошимқул Абдураҳмонов ғўзалар ривожидан мамнун.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

СЕМИНАР

## БОҒДОРЧИЛИК РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш: янги боғ ва токзорларга интенсив технологияларни жорий қилиш ҳамда унинг ҳуқуқий асослари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, Тошкент вилояти ҳокимлиги вакиллари, соҳага тааллуқли илмий-тадқиқот институтлари олимлари иштирок этди.

Семинар иштирокчилари Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги "Ўзпахтасаноат" уюшмасига қарашли интенсив боғ, Паркент тумани "Заркент" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги адирликларда яратилган интенсив токзорлар билан яқиндан танишиб, фермерлар, боғбонлар ва амалиётчи мутахассислар билан фикр алмашдилар.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, истеъмолчилар талабини юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум ва картошка ҳисобидан тўла таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 9 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда 2006 йил 11 январда имзоланган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда 244 минг гектар боғ ҳамда 134 минг гектар токзор мавжуд. Юртимизда етиштириладиган мева-сабзавот ва узумнинг 49 фоизи фермер хўжаликлари ва 51 фоизи аҳоли томорқалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Агар буни мамлакатимиз мустақиллигининг илк давридаги кўрсаткичлар билан таққослайдиган бўлсак, мева ва узумчилик қарийб 2-2,5 баробар ошганини, мева 3,6, узум 2,3 баробар кўп етиштирилаётганини кўрамиз. Бу эса мева ва узум экспортини охирги беш йилда 4 маротабага ошириш имконини берди.

Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш мақсадида пахта майдонлари ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ерлар кенгайтирилди. Шунингдек, кейинги йилларда Янгийўл, Зангиота, Самарқанд туманларининг мева-сабзавотчилик ва узум маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилгани бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда нафақат мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришга, балки бу маҳсулотларни қайта ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналари ва тадбиркорлар томонидан охирги 5 йилда 231 қайта ишлаш корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида 120 минг тонналик замонавий музлаткич-омборхоналар қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Илмий-амалий семинарда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасига оид ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, боғдорчилик ва узумчиликни жадал ривожлантириш борасидаги давлат дастурларининг бажарилиши ҳамда истиқбол режалари муҳокама қилинди, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЕТАРЛИ, ИЖРО-ЧИ?

**Шу кунларда вилоятимизда 50 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтиб, ишлаб чиқариш, савдо, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Хусусий секторнинг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 53 фоизга етди. Хориж бозорларига чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларнинг учдан бир қисми уларнинг ҳиссаларига тўғри келаётир.**

– Тадбиркорлар эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқий ҳимояланаётгани яхши самара бераяпти, – деди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Лазиз Мусашайхов. – Кейинги йилларда бу соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилиб, янги қонунлар қабул қилиниб, фуқаролар ўз бизнесларини янада эркин амалга оширишларига қулай ҳуқуқий замин яратилди. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги янги Қонун бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

**– Лазиз Тўлаганович, бу янги ҳужжатларнинг асосий қоида ва талабларини қисқача шарҳлаб берсангиз.**

– Давлатимиз раҳбари "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ишончли ва кучли кафолатларини яратиш лозимлигини таъкидлади. Янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун айни шу мақсадларга эришишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Муҳим янгиликлардан бири тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилганидир. Яна бир муҳим имтиёз шуки, ҳисобот тадбиркорлик субъекти хоҳишига кўра қоғозда ёки электрон ҳужжат шаклида тузилади. Иккинчи ҳолатда дастурий таъминот имтиёзли шартларда ёки бепул амалга оширилиши белгиланган. Қонуннинг 30, 31 ва 41-моддаларида ҳам тадбиркорнинг бир қатор ҳуқуқлари кафолатланган.

**– Тадбиркорлар учун қонунларда белгиланган имтиёзлар қай тарзда бажарилаётгани хусусида нима дея оласиз?**

– Бу жараённи адлия бошқармасининг тегишли бўлимлари мунтазам ўрганиб, таҳлил қилаяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Бошқармамиз ходимлари бу ишларни олти йўналишда бажаришяпти. Аввало, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун ариза, шикоят ва таклифлар вақтида кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилиняпти. Иккинчидан, адлия идораларида ташкил этилган "ишонч телефонлари" орқали тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, ҳуқуқий тушунтиришлар берилаяпти. Учинчидан, тадбиркорлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш мақсадида анкета сўровномалари ўтказиш анъанага айланди. Тўртинчидан, давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик ва назорат идоралари томонидан тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишини ўрганиб, зарур чоралар кўрилмоқда. Бешинчидан, тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлган ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан тақдимномалар киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси таъминланиши ҳолати кўриб чиқилди. Барча ахборот-кутубхона жараёнларини интеграциялаш, ахборотга ишлов бериш ва Миллий кутубхона электрон маълумотлар базасига киритиш имкониятини яратиш орқали маълумотлардан кўп марта ва узоқ масофадан туриб фойдаланиш, таълим муассасалари ва ҳудудлар даражасидаги китобхонларга хизмат кўрсатишнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари, чет тилларини эгаллаш ва қўллаш асосида кўрсатиладиган турли хизматлар ҳажмини ва сифатини ҳисобга олган ҳолда соҳа ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, доимий равишда малакасини ошириб бориш вазифалари белгилаб олинди.

Тарихий, илмий, бадиий ва маданий қимматга эга босма нашрларни, қўлёзма ва график ҳужжатларни, аҳолида мавжуд нодир нашр ва қўлёзмаларни сақлаш ҳамда электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаси батафсил муҳокама қилинди. Улар сонини кўпайтириш ҳамда кенг фойдаланиш учун мукаммал шароитлар яратиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Мамлакатимизда мавжуд ахборот-кутубхона муассасаларини йўналиш ва соҳаларга тааллуқлилиги бўйича структурасини ҳамда ходимлари сонини такомиллаштириш, инклюзив кутубхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш, имконияти чекланган инсонларга кўрсатилаётган ахборот-кутубхона хизматлари сифатини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Фойдаланувчилар, айниқса, ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини турли соҳалар бўйича мавжуд манбалардан материалларни танлаб олишда уларга методологик ёрдам кўрсатиш йўли билан қаноатлантириш, бунда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан республикада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада ривожлантириш борасида қўйилган вазифалар ижросини тўлиқ амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарор қабул қилинди.

**ЎзА.**

**Давлат божхона қўмитасида "Божхона органлари ходимлари хизмат фаолиятида психологик билимларнинг аҳамияти" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.**

## УЧРАШУВ ШУНЧАКИ МАЪРУЗА ЭМАС

Унда Ўзбекистон Республикаси кураш департаменти мутахассислари, божхона қўмитаси мутасаддилари ҳамда психолог-олимлар иштирок этди.

Божхоначиларнинг хизмат фаолияти аксарият ҳолларда фуқаролар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билан мулоқот асосига қурилишини инобатга олиб, тадбирда ўзаро мулоқот сирларига кўпроқ эътибор қаратилди.

Учрашув шунчаки маъруза шаклида эмас, аксинча қизиқарли мулоқот асосига қурилгани, шунингдек, унда жонли экспериментларнинг қўлланилгани боис йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Учрашувда иштирокчиларга Давлат божхона қўмитаси томонидан чоп қилинган "Ўзбекистон божхона хизмати" эсдалик фотоальбоми совға қилинди.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

## СУРАТГА ОЛИШНИНГ МИНГ БИР УСУЛИ БОР

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида америкалик таниқли фотограф, документалист Франк Уорд билан суратга олиш ва фотоасарлар яратишнинг асосий усуллари хусусида услубий-амалий машғулотлар ўтказилмоқда.**

Маҳаллий фотомухбирларга машғулот аввалида суратга олиш усуллари бўйича Франк Уорд фотосуратлари орқали тушунтириш берилди. Шунингдек, суратнинг тиниқ чиқишида оралиқ масофани тўғри танлай билиш, ёруғлик даражасини аниқ ҳисобга олиш, рангли сурат ҳамда XXI асрда суратга олиш амалиёти мавзуларида машғулотлар давом эттирилди.

Бундан ташқари фотокамера билан ишлаш, фотостудия сифатидаги нимқоронғи хонани тайёрлаш, тез, яъни сонияда суратга олиш, объектни тўғридан-тўғри нур ва ёруғликнинг аксидан фойдаланиб суратга тушириш усуллари бўйича амалий машғулотлар бўлиб ўтди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БЎКА ТУМАНИ

## ЭКОЛОГИК ФЕСТИВАЛЬ

**15-Меҳрибонлик уйида Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан "Болалар экологик фестивали" ўтказилди.**

Тарбияланувчилар экологик мавзуларда чизган расмлари, концерт дастурларини намойиш қилишди. Иштирокчиларга БМТ Тараққиёт дастуридаги Атроф-муҳит ва энергетика бўлими, ўзининг тоза экологик маҳсулотлари билан машҳур бўлган "dewell" компанияси, туман халқ таълими бўлими ходимлари болаларга ҳозирги экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида гапириб бердилар. Ўқувчиларга "Иқлим ва биз" китоблари топширилди.

**Насима АҲМЕДОВА,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи.**

ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СОҒЛОМ АВЛОД

**Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, халқ таълими, ФҲДЁ бўлими, маҳалла раислари иштирокида "Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни воярага етказиш, уларни турли диний оқимлар таъсиридан ҳимоялаш борасида фикр юритилди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар касб-ҳунар коллежини тамомлаётган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш, иш билан бандлигини таъминлаш, шаръий никоҳларнинг олдини олиш бўйича мулоҳазалар билдиришди.

Тадбир якунида навбатдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

## КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

31 май – Халқаро кашандаликка қарши кураш кунига бағишлаб Тошкент Давлат аграр университетида ўтказилган учрашувда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими, Қибрай туман марказий поликлиникаси, маънавият маркази ходимлари ёшларга зарарли иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг саломатликка таъсири тўғрисида тушунча беришди.

Амалий учрашувда "Исломобод" маҳалласи ёшлари, университет ўқитувчи ва талабалари қатнашдилар.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ




**Фермерлар учун яратилган имкониятлар, қабул қилинган қонун ҳужжатлари соҳани янада ривожлантириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Оққўрғон тумани фермерлар уюшмаси раҳбари Абдумўмин Каримовнинг айтишича, 326 фермер хўжалигида ғалла ва пахта, сабзавотчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

# ЙИЛДАН-ЙИЛГА ҲОСИЛДОРЛИК ОШМОҚДА

– 2006 йилда 56 гектар ер олиб иш бошлаган эдик, – дейди "Ғафуржон – Дилноза" фермер хўжалиги раҳбари Ғафуржон Ортиқов. – Бугунга келиб еримиз 115 гектарга етди. Айни пайтда 37 гектар майдонда "Бобур" навли ғалла парваришлаяпмиз. Ўтган йили 45 центнердан ҳосил олган эдик. Бу йил 60 центнерни мўлжаллаяпмиз. Ҳозир ҳайдов, чопиқ, юк ташиш, бир сўз билан айтганда барча турдаги техникаларимиз бор.

Шунингдек, фермер бу йил С-65-24 пахта навидан 180 тоннали хирмон уйиш учун бор имкониятларни ишга солмоқда.

**СУРАТДА:** (чапдан) туман фермерлар уюшмаси раҳбари Абдумўмин Каримов, фермер Ғафуржон Ортиқов, механизатор Рустам Бегибоев, Аҳад Мусабоев.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЕТАРЛИ, ИЖРО-ЧИ?

Тадбиркорларга етказилган зарарлар суд тартибида ундирилиб, келгусида қонунбузилишларга йўл қўймаслик юзасидан огоҳнома ва кўрсатмалар киритилаётир. Ва, ниҳоят, олтинчидан, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти аҳоли, хусусан, тадбиркорларга тушунтириляпти.

**– Албатта, булар – кенг кўламли ишлар. Лекин муҳими – натижа...**

– Ходимларимиз шу йилнинг дастлабки тўрт ойида 74 тадбиркорнинг ариза ва шикоятларини ўрганиб, қонуний ҳал қилишди. Чунончи, олмалиқлик А. Муродовнинг маиший хизмат кўрсатиш уйи қуриш учун ер ажратишни сўраб қилган мурожаатномасини кўриб чиқиш чўзилиб кетди. Тадбиркорнинг мурожаатига жавоб ололмаётгани хусусидаги аризасини ўрганиш шуни кўрсатдики, шаҳар ҳокимлиги вилоят комиссиясининг ер майдони ажратишга ваколатли идора хулосасини олиш лозимлиги ҳақидаги қарорини эътиборсиз қолдирди, бу ҳолат фуқарога вақтида маълум қилинмади. Шу тариқа "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилди. Бу хусусда шаҳар ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, қонун бузилишига йўл қўйган ходим У. Раҳимовга ҳайфсан берилди, муаммони ҳал қилиш тезлаштирилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ёки улар фаолиятига ноқонуний аралашувларни бартараф этишда "ишонч телефонлари" муҳим роль ўйнамоқда. Бу йил улар орқали олинган 34 та мурожаатнинг 65 фоизи қаноатлантирилиб, қолганлари юзасидан тушунтиришлар берилди. Жумладан, Чиноз туманилик тадбиркор А. Абдикаримов туман электр таъминоти корхонаси назоратчиларининг ҳаракатларидан норози бўлиб мурожаат қилди. Ўрганиш мурожаатда кўрсатилган ҳолатларни тасдиқлади ва кўрилган чора натижасида якка тадбиркорнинг энергия таъминоти йўлга қўйилди, назоратчилар огоҳлантирилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган хатти-ҳаракатларни аниқлаб, уларга чек қўйишда анкета сўровлари қўл келаяпти. Ўтган ойларда ходимларимиз ўтказган анкета сўровларида 3970 тадбиркор иштирок этди. Тадбиркорлик муҳитига доир саволларга олинган жавоблар таҳлили тадбиркорлар ҳамон муайян муаммоларга дуч келаётганини кўрсатди. Чунончи, сўровда қатнашган 157 киши тадбиркорликни йўлга қўйишда, 1758 киши коммуникация хизматларидан фойдаланишда, 573 киши назорат идораларининг ноқонуний аралашувлари натижасида, 150 киши шартнома мажбуриятларининг бажарилишида, 913 киши банк муассасалари хизматлари, 910 киши ҳисоботларни топширишда муаммоларга дуч келганини маълум қилган. Аниқланган ҳар бир ҳолат бўйича тегишли идораларга кўрсатма ва огоҳномалар берилди. Қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан Адлия вазирлигига 7 та таклиф киритилди.

**– Кўриниб турибдики, тадбиркорлик муҳитини соғломлаштиришга оид чора-тадбирларга қарамай, ҳамон камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Уларни бартараф этишга қаратилган амалий ишларнинг натижалари қандай?**

– Ўрганишлар 1773 ҳолатда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилганини кўрсатди. Улар асосан тадбиркорларни маъмурий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ноқонуний тугатиш, банк хизмати, энергия таъминоти, рухсатсиз текширишлар ўтказиш масалаларида ҳам қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли давлат идораларига 60 та тақдимнома киритилди. Шу асосда 87 шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 6 ходим эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди. Ноқонуний ундирилган 8 миллион 775 минг сўмга яқин маблағ тадбиркорларга қайтарилди. Жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан битта, маъмурий жавобгарлик юзасидан 12 та таклиф киритилди. Тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий ҳимоя қилиниб, судларга 1,3 миллиард сўмлик 22 та даъво аризалари киритилди, уларнинг бузилган ҳуқуқлари суд тартибида тикланди.

– "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" асосида қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"-ги янги қонуннинг қабул қилиниши, – деб таъкидлади пировардида Лазиз Тўлаганович, – шубҳасиз, тадбиркорлик муҳитини янада соғломлаштиришга, фуқаролар эмин-эркин фаолият юритишларига, халқнинг турмуш даражаси яхшиланишига хизмат қилади, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишонарли ҳимоя қилинишини кучайтиради.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

**Техника тараққиёти туфайли кўчаларимизда автотранспорт кўпайиб бормоқда. Шунга яраша нефть маҳсулотларига талаб ҳам ортмоқда. Бу бир томондан қувонарли. Масаланинг иккинчи тарафи шуки, нефть захирасини беҳуда исроф қилиш охир-оқибат ёнилғи тақчиллигига олиб келиши шубҳасиз.**

# ТЕЖАМКОРНИНГ ИШИ БАРОРЛИ

Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарорида нефть корхоналаридан харид қилинган маҳсулотлардан фақат ишлаб чиқариш жараёнларида яъни мақсадли фойдаланиш белгилаб қўйилган, уни қайта сотиш қатъиян тақиқланади.

Автобензин сақланаётган идишлар ва ёнилғи қуйиш колонкалари носозлиги ҳисобига 2 фоиздан 5 фоизгача маҳсулот исроф бўлади. Автобензин идишлари очиқ рангга бўялмагани, ностандарт идишларда тарқатилиши оқибатида 1-2 тоннаси йўлда тўкилиб-сочилади. Қабул қилиш ва сақлашда жиҳозларнинг носозлиги, автотранспорт бакларини меъёридан ортиқча тўлдириш натижасида бир йилда ўртача 1-2 тоннаси беҳуда йўқотилади. Техникалар созламай ишлатилганда эса 20 фоизгача маҳсулот исроф бўлишини кузатиш мумкин. Шунингдек, сифатсиз нефть маҳсулотлари ҳам транспорт двигателлари муддатидан илгари ишдан чиқиши ва маҳсулот ортиқча сарфланишига сабаб бўлади.

Ёнилғи қуйиш шахобчалари ва мой алмаштириш пунктлари амалдаги қоида ва техник талабларга жавоб бериши зарур. Ўлчов воситалари ва жиҳозлар "Ўзстандарт" агентлиги белгилаган тартибда тамғаланган бўлиши керак.

Ёнилғи қуйиш шахобчаларининг "Ёнилғи-мойлаш материалларининг сотилишини тартибга солиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ ишлаши, ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланиши, сотилаётган маҳсулотларга сифат сертификатининг мавжудлиги ва уларнинг сертификатга мос келиши, давлат стандартлари, техник шартлар талабига жавоб бермайдиган сифатсиз маҳсулотларнинг сотилиши ва истеъмолчиларга кам қуйилишига йўл қўймаслик талаб этилади. Лицензия битими талаблари бажарилмаган ҳолда комиссия лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатади ва лицензияни бекор қилади.

Нефть маҳсулотларини меъёридан ортиқча сарфлаш ва асоссиз ҳисобдан чиқариш ҳолатлари кузатилса, "Ўздавнефтгазинспекция" корхона ва ташкилотларга нисбатан "Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида"ги Низомнинг тегишли бандларига асосан иқтисодий жарималар қўллайди.

Бундан ташқари ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш қоидаларини бузган фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорида жарима солинади. Энергия ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик уларни келажак авлод учун асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Башрилло САИДАЗИЗОВ, "Ўздавнефтгазинспекция" Тошкент шаҳар бўлими бош технологи.**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ЁРДАМ

**Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар туфайли юксак талабларга жавоб берувчи, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва турли йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни қамраб олган тиббий муассасалар тармоғи ташкил этилди. Катталар ва болалар учун кўп тармоқли шифохоналар, янги туғуруқ мажмуалари иш бошлади, қишлоқ врачлик пунктларининг базаси мустаҳкамланди.**

Қишлоқ жойларида тиббий кўрик сифатини ошириш, соғлом оилани шакллантириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратиляпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши "Фаол аёллар" қаноти, тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда Бўка туман ҳокимлиги ҳамкорлигида "Бўстон" қишлоқ врачлик пунктида "Соғлом она ва соғлом бола" мавзуида бепул тиббий кўрикдан ўтказиш акцияси ташкил этилди.

Тиббий кўрик бошланиши олдидан йиғилганларга мамлакатимиз Парламенти она ва бола соғлигини яхшилашни таъминлашга хизмат қилувчи қонунлар моҳияти ва уларнинг бажарилиши устидан олиб бораётган жамоатчилик депутатлик назорати ҳақида маълумот берилди. Шундан кейин Бўстон қишлоғи аёллари ва уларнинг фарзандлари бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Таниқли педиатр, аёллар шифокори, гинеколог, маммолог, ортопед, терапевт ва окулистлар 300 га яқин она ва фарзандлар саломатлигини текшириб, маслаҳатлар беришди. Шунингдек, кўчма УЗД аппарати ва лаборатория билан жиҳозланган хоналар ҳам оналар ва болалар хизматида бўлди.

Шу куни вилоят ва туман партия кенгашларининг кўчма "Жамоатчилик қабулхонаси" партия электорати вакилларини қабул қилди, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, амалий ёрдам берди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

# ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЎРНИ

**Жаҳонда молиявий инқироз кечаётган ҳозирги шароитда Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш, босқичма-босқич ўсиш ва ижтимоий сиёсий барқарорликни таъминлаш жараёни юзага келди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи ўринни эгаллашига бош устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Шу сабабли хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари йирик корхоналарнинг асосий рақобатчиси ва ҳамкори сифатида иқтисодиёт майдонига кириб келмоқда.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий инқирозларга бардош бера олишини 1973-1975 йилларда жаҳонда тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётида, шунингдек, XX асрнинг 90-йиллари охирида Осиёда, айниқса, Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида бошланиб, кейинчалик бутун дунёни қамраб олган молиявий инқироз натижаларидан ҳам яққол кўриш мумкин. Ўша кезларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари миллий иқтисодиётда нисбатан муҳим ўрин эгаллаган (Малайзия, Сингапур каби) мамлакатлар инқироздан энг кам талафот билан чиққан бўлса, йирик корхоналарга зўр берган Жанубий Корея энг кўп зарар кўрган эди.

Шу сабабли иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизнинг энг устувор вазифаларидан бири кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шу орқали аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдир. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилашнинг асосий таянчи бўлган ўрта синф мулкдорларини шакллантиришдаги аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ишлаб чиқаришидаги ролини янада ошириш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда айрим муаммолар ҳам намоён бўлмоқда. Ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнесчиларнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича етарли билим ва малакага эга эмаслиги сезилаяпти. Шунингдек, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, табиий иқлим шароити, демографик тузилиши, ресурсларнинг қай даражада чекланганлиги каби омилларни инобатга олган ҳолда улар фаолиятини рағбатлантиришнинг мукаммал дастури ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мажмуавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Президентининг: "Кичик бизнес ортида мен – Президент турибман", деб таъкидлаши, ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг юксалиши учун ишончли кафолат ва мустаҳкам таянч борлигидан далолат беради.

**Суннат МИРОДИЛОВ, Тошкент молия институти магистранти.**

САЛОМАТ БЎЛИНГ

**Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар, амалга оширилаётган турли дастурлар самараси хусусида бугун исталганча мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, вилоятимизда мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос кўплаб тиббиёт муассасалари бунёд этилди, эскилари капитал таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.**



# ДАВР ТАЛАБИГА МОС

Қибрай тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси бугун замонавий тиббиёт мажмуасига айланди. Бу ерда 211 минг кишига тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Қибрай, Салор шаҳарчалари ва 12 та қишлоқ аҳолиси поликлиникада рўйхатга олиниб, саломатликлари мунтазам назорат қилинмоқда. Бунинг учун 22 та қишлоқ врачлик пункти ва иккита поликлиника етарли шарт-шароит ва имкониятларга, замон талаблари даражасидаги ускуна ҳамда анжомларга эга. Бўлимлар марказлаштирилгани натижасида, тумандаги тиббий вазиятни бирдек назорат қилиш имконияти туғилди.

– Муассасамиз қайта таъмирланганидан сўнг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди, – дейди марказий поликлиника бош шифокори Миркомил Исаев. – Хусусан, УЗИ, стоматологик аппарат мажмуаси ва бошқа ускуналар тиббий хизмат савиясини оширишга кўмаклашмоқда. Поликлиника ва унинг жойлардаги бўлимларида хизмат қилаётган 332 шифокор ҳамда 900 ҳамширанинг малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, жадал ривожланиб бораётган тиббиёт шуни талаб қилади. Врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу ерда, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар ва болалар саломатлигига жиддий эътибор берилади. Эрта турмуш қуриш ва туғиш оқибатида она ва болада учрайдиган турли хасталиклар ҳақида якка ҳамда оммавий суҳбатлар натижасида туғиш оралиғи анча узайди.

Турли касалликларга қарши эмлашни тўғри ташкил этиш учун тумандаги 50 та мактаб, 46 та боғча ҳамда 8 та коллеж ва академик лицейларга ходимлар бириктирилган.

– Барча соҳа тармоқларини қамраб олишга ҳаракат қилаяпмиз, – деди пировардида Миркомил Исаев. – Бугун туман аҳлининг ҳеч бири шифокорларимиз назоратидан четда эмас.







Пулли хизмат ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, беморлар асосан куннинг иккинчи ярмида қабул қилинади. Сабаби, шошилинч холатларда лаборатория ва бошқа текширувларни ташкил этиш қўшимча ҳаракат ва харажат талаб этади.

Туман поликлиникаси тизимида устоз-шогирд анъанаси ҳам изчил давом этмоқда. Муассаса ташкил этилган йиллари Лилия Белялова, Ҳайитбой Раҳимов, Леонид Пак, Мухтор Ғуломов, Муҳаббат Исмоилова сингари қўли енгил шифокорлар беморлар дардига малҳам бўлишган. Бугунга келиб уларнинг ишини шогирдлари Гулчеҳра Бердиёрова, Шаҳноза Йўлдошева, Холида Азимова, Баҳодир Ҳамидов давом эттиришмоқда.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# XXI аср ва дунё

## ПРЕЗИДЕНТ ТЕЗЛИКНИ ОШИРДИ

**Франция президенти Франсуа Олланднинг машинаси тезликни ҳаддан зиёд оширгани ошкор бўлди, дея хабар тарқатди The Local нашри.**



Президентни Нормандиядаги тантаналарга кузатиб бораётган журналистлар унинг лимузин машинаси Париждан Каннга олиб борадиган шосседа тезликни соатига 160 километрга чиқарганининг гувоҳи бўлдилар. Бошқа репортёрлар гуруҳи эса президентнинг Париждан соатига 140 километр тезликда чиқиб келганини ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу ҳам рухсат этиладиган тезликдан икки баравар юқоридир.

Каннга етиб келганларидан сўнг журналистлар президентдан унинг ҳайдовчиси йўл ҳаракати қоидасини бузганлигини сезган ёки сезмаганлигини сўрашди. "Буни эслолмайман, – дея жавоб қайтарди Олланд. – Билмадим, сизлар бирор нарса сездингларми?"

Бундан аввалроқ Франциянинг янги президенти "халққа яқин бўлишни", яъни оддий поезд ва автомобилларда юриб, шахсий самолётга кетадиган сарф-харажатларни камайтиришни ваъда қилганди.

## КЎҲНА МАФИЯГА ЗАРБА

**Италия полицияси тахминан Маллардо уруғ-аймоғчилиги аъзоси ҳисобланувчи, "Каморра" мафия гуруҳига кирувчи 47 кишининг қамоққа олинганини маълум қилди ANSA агентлиги.**

Полициячиларнинг фикрича, ҳибсга олинган мафиячилар ноқонуний қурол-яроғ сотиш, шунингдек, тадбиркорлардан зўрлаб пул ундириш билан шуғулланганлар. Уларни қўлга олиш жараёни бир йўла Италиянинг олти минтақасида бир вақтда давом этиб, тахминан 3 миллион евро миқдоридаги активлари мусодара қилинди.

Полициядагиларнинг таъкидлашларига қараганда, муваффақиятли кечган операция Моллардо уруғ-аймоқчилигига кучли зарба бўлди. Унинг етакчи раҳбарлари бир неча йил аввал узоқ муддатга қамалганлари боис қайта шаклланиш жараёнини бошдан кечираётган эди.

"Каморра" Италиянинг энг кўҳна ва кучли таъсирга эга мафия гуруҳларидан бири ҳисобланади. Унинг марказий базаси Неапол шаҳрида бўлиб, бутун Италия ҳудудида, шунингдек, жаҳоннинг бир неча мамлакатларида фаолият юритади.

САМБО

# ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ



**Тошкентда самбо бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасида Осиё очиқ чемпионати бошланди. Осиё самбо федерацияси (ASF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда самбо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнирда йигирмадан зиёд давлатдан 500 нафарга яқин спортчи самбо ва жанговар самбо бўйича куч синашмоқда.**

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида ташкил этилган мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароитни яратиш каби эзгу ишлар Ўзбекистондан етишиб чиқаётган кучли спортчилар, чемпионлар сафининг кенгайишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда самбо жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда ушбу спорт тури бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатлари мунтазам ташкил этилаётир.

– Ўзбекистондан кўплаб спорт турлари қатори самбо бўйича ҳам кучли спортчилар етишиб чиқмоқда, – дейди Осиё самбо федерацияси бош котиби Франсуа Саад (Ливан). – Тошкент шаҳрида самбо бўйича қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақалар юқори савияда ташкил этилганига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Бу мазкур спорт турининг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Осиёда оммалашишига хизмат қилмоқда.

Мусобақанинг биринчи куни катталар ўртасида қитъа чемпионлиги учун курашаётган самбочилар гиламга чиқди. Шавкат Жўраев, Эркин Дониёров, Шаҳло Йўлдошева, Обида Оллодўстова, Нилуфар Давлатова, Мадинабону Салоҳиддинова каби спортчиларимиз ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олишди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

НИГОҲ

# «ҲАРОМ» ПУЛ ЎМАРУВЧИ ИҚТИСОДИЁТ

**Оғизларини ҳукмдорлар мойламаган эксперт ва кузатувчиларнинг фикрлари умумлаштирилса, шундай ҳолат кўз олдимизда намоён бўлади. Қирғизистоннинг миллий ишлаб чиқариши таг-туби билан йўқ қилинди. Истеъмол бозоридаги аксарият маҳсулот турлари импортига қарамлик йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бироқ, конвертация ҳар доим "ёнма-ён дунё"даги ЭКВ (эркин конвертацияланадиган валюта) ҳисобидан таъминланган.**

Пулларни ўмаришнинг республикада қарор топган тизими товар ва хизматлар импортининг номаъқул айланмаси резервларини комиссион тушумлар ҳисобидан таъминлайди. Айнан шу сабаблигина ЭКВ кескин тақчиллиги ва миллий валютанинг ҳаддан зиёд қадрланиши юз бермаяпти. Бу тизим мамлакат миллий банки ва бутун молия бозорини ўз соясига олган. Жиноий иқтисодиёт ҳажми Қирғизистон ички ялпи маҳсулотининг 80 фоизи даражасига кўтарилди.

Ушбу ҳақиқатни, жумладан, муваққат ҳукуматнинг собиқ аъзоси А. Бекназаров хотиржам ва сурбетлик билан тан олди. У коррупцияда иштаҳаси карнайлиги учун "инқилоб соғувчиси" номини олган. А. Бекназаровнинг ҳикоя қилишича, Қирғизистонда пулни ўмаришнинг ноёб ва самарали ишлайдиган тизими яратилган бўлиб, у "Қирғиз Кредит Банк", "Иссиқ Кўл" инвестбанк, "Оқилинвестбанк" ва "Манас"дан иборат банклар тармоғини ўз ичига олади. Шунингдек, махсус тайёрланган, маълум даражада манфаатдор ва шундай фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган бир гуруҳ шахслар ҳамда ўзининг махсус ишлаб чиқилган таъминот дастурлари ва ахборот технологияларига эга ва албатта, махсус тузилган бир неча мингта компаниялар ҳам унинг таркибига кирган. Уларнинг бир йиллик айланмаси қарийб 136 миллиард АҚШ долларига тенг.

Қирғизистон иқтисодиёти фақат 1993 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда ўзининг табиий йўлида ривожланди. Миллий валюта – сом муомалага киритилганидан сўнг олти йил давомида АҚШ долларига нисбатан 4 сомдан 48 сомгача қадрсизланди. 1999 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача сом барқарор тус олиб, ҳатто, баъзан долларга нисбатан бирмунча мустаҳкамланди ҳам. Аммо бу экспорт салоҳияти ошганлиги ҳисобига эмас, балки миллий иқтисодиёт бутунлай барбод бўлгани оқибатида валюта бозорида доллар ва соммнинг қиёсига боғлиқ тарзда юз берди.

А. Бекназаров "тапутрафик"ни сақлаб қолиш ва уни янги сиёсий етакчилар томонидан назоратга олишга уринишлар ҳақида сўзлайди. Экспертларнинг таъкидлашича, А. Бекназаров ташвишланмаса ҳам бўлади. Ҳаммаси аллақачон назорат остида. "Енг ичида ҳаром пуллар айланиши" ҳар доим бўлган ва бундай енглар оз эмас. Қирғизистоннинг мўъжазгина иқтисодиётида 22 та банк мавжуд. Корея, Қозоғистон, Россия, Туркия ва бошқа янги банклар навбатга турояпти. Таққослаш учун айтиш жоизки, иқтисодиётда ўн карра устун бўлган Қозоғистонда 39 та банк ишлаяпти. Мана сизга иккинчи Швейцария. Аммо гўзал тоғ манзаралари жиҳатидан эмас, мутлақо бошқа маънода.

Қирғизистоннинг биринчи президенти А. Акаев "Барча ёвузлик ва кулфатларнинг, ёппа қашшоқлик ва оммавий меҳнат миграцияси, ишсизлик ва тобора кўпчиб бораётган коррупциянинг бош сабабчиси айнан "тапутрафик" деганида ҳеч кимни алдамади. Экспертлар енг ичида "ҳаром" пуллар оқаверар экан, Қирғизистоннинг бугунги иқтисодий тизими фаолият кўрсатаверади, дея таъкидламоқдалар. Бироқ, бу мамлакат фуқаролари фаровонлигига хизмат қилмайди, коррупцияни бартараф этмайди ва давлатнинг гуллаб-яшнашига олиб келмайди. Фақат ўзларини "сиёсатчи" деб атаётган айрим фуқароларгина шахсий фаровонликка умид боғлашлари мумкин.

Изчил янгиланишлар, бир маромдаги босқичма-босқич иқтисодий ислоҳотларгина республиканинг "иқтисодий вужуди"дан ҳаром-хариж сармояларни аста-секин сиқиб чиқаришга қодир. Ҳозир Қирғизистон тушиб қолган, жўн қилиб айтганда, хунук вазиятнинг яна бир сабаби шундаки, республиканинг барча давлат арбоблари, чет эл молия институтлари вакиллари коррупцияга, ўмарилган ва жиноий сармояларни қонунийлаштиришга қарши туриш ҳақида қуруқдан-қуруқ гапирадилар-у, амалда бундай ёвузликка қарши ҳеч қандай чора кўрмайдилар.

Экспертлар таъкидлашадики, мавжуд муносабатлар тизими ўпқон каби домига тортади, ўзгартириш ва тузатишга бўй бермайди. Аҳолининг асосий қисми ҳукуматга ҳам, бир-бирларига ҳам ишончни йўқотган, келажакдан умидсизликка тушган ҳозирги вазиятда хорижлик ҳомийларнинг кўмаги Қирғизистон иқтисодиётининг "чириб битган тиргаклари"ни ҳимоя қилиб турибди, холос. Айнан шу кўмак ҳозирги шароитда Қирғизистонда коррупцияга ботган ва уруғ-аймоқчилик иқтисодиётидан ижтимоий-бозор усулида хўжалик юритишга ўтишга зўрба-зўр уринишларга қаршилик кўрсатмоқда.

**Максат ЖУМАТОЕВ.**
**www.paruskg.info.**

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

# ТАЪЗИЯ

Кутилмаган қайғули хабардан Воҳиджон гангиб қолди. Уйга кирди-ю, апил-тапил кийиниб, ҳовлига чиқди. Шу пайт ҳеч гапдан хабарсиз кечки овқат тараддудида юрган аёли Гулчеҳра эрига ҳайрон бўлиб боқди:

– Тинчликми, нима бўлди, дадаси?

Воҳиджоннинг рангида ранг қолмаганди.

– Қадрдоним Ёрқин ўтиб қолибди, хабар қилишди, – деди Воҳиджон зўрға.

Унинг жавобидан Гулчеҳра ҳам эрининг ҳолатига тушди.

– Ҳа, анави ўртоғингизми? Тунов куни опаларини кўрганимда "анча оғир" деётгандилар.

– Фотима опани қачон кўргандинг? – дея сўради Воҳиджон ўкрайиб.

– Уч-тўрт кун бўлиб қолди, – деди Гулчеҳра астагина.

– Нега менга айтмовдинг, – Воҳиджон тутоқиб кетди.

– Ўртоғингизнинг касаллигидан бехабармидингиз?

Унинг саволига жавоб бериш ўрнига Воҳиджон дарвоза томон йўналди.

Ортидан аёли:

– Вой, дадаси, ҳаво айниб турибди, устингизга бир нима илиб олинг, – деганича, уйга кириб плаш олиб чиқди. Жаҳли чиқиб турган Воҳиджон хотини зўрлаб кийдирмоқчи бўлган плашни олди-да, пешайвон томон улоқтирди. Ранги қув ўчган Гулчеҳра одатдагидек югуриб бориб, дарвозани очди.

Воҳиджон машинага ўтираркан: "Энди қадрдоним Ёрқин йўқми?" деган фикр хаёлида чарх урарди.

Ёрқинлар шундоққина қўшни маҳаллада туришади. Воҳиджон ярим йўлга етганда бироз ўзига келгандек бўлди. Қош қорая бошлаган, машинанинг олд ойнасига ёмғир томчиларди. Машинанинг печкаси ишламаётгани учун у бироз совқота бошлади. Шу пайт хотинининг гапига кирмаганни учун афсусланди.

Ёрқинларнинг дарвозаси очиқ, одамлар кириб-чиқиб туришарди. Машинадан туша солиб, Ёрқиннинг дадаси Самад ака билан ғамгин қучоқлашди. Отанинг елкаси дир-дир титрарди.

Икки дўст бир мактабда ўн йил бирга ўқишганди. Воҳиджон мактабни битиргач, педагогика институтида ўқиди. Дўсти эса ўқишга киролмай, тадбиркорликни бошлади. У гилам билан савдо қиларди. Ёш бўлишига қарамай, жарақ-жарақ пул топди. Юриш-туриши ҳам шунга яраша. Барча синфдошлар унга ҳурмат билан қарашарди. Уйланаётганда ҳам бутун кўзга кўринган санъаткорлар хизматда бўлишди.

Очиғини айтганда, Воҳиджоннинг дўстига ҳаваси келарди. Лекин кўп ўтмай, Ёрқин бойвачча оғайниларига мослаша бошлади. Катта гапирадиган одат чиқарди. Пули кўпайгани сайин унча-мунча одамни оёқ учида кўрсатадиган бўлди. Буни сезган Воҳиджон унга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлганида, у жеркиб ташлади.

Бир куни ярим кечаси дарвоза тақиллади. Воҳид чиқса, кўчада Ёрқин турибди. Оёғида туролмайдиган даражада маст. Уст-боши ёмғирдан жиққа ҳўл. Воҳиджон уни қўярда-қўймай, уйга судради. Лекин Ёрқин унамади ва чўнтагидан ўғлининг тўйига таклифнома чиқариб, дўстига берди. Шунда Воҳиджон "ҳозир" деди-ю, уйдан костюмини олиб чиқди-да, дўстининг елкасига ёпмоқчи бўлди. Лекин у ижирғангандек бўлиб, қайтарди. Шунга қарамай, Воҳиджон дўстини уйига кузатиб қўймоқчи бўлганда ҳам Ёрқин кўнмади.

Шуларни ўйларкан, Воҳиджон астагина Самад аканинг ёнига ўтирди. Фотиҳа кунлари синфдошлардан ташқари Ёрқиннинг бадавлат дўстларидан ҳеч бири қорасини ҳам кўрсатмади.

Воҳиджон уч кун бел боғлаб, марҳум дўстининг эшигида турди.

**Неъмат РАФИҚОВ.**

БИЛАСИЗМИ?

# ЯНГИ ГАЛАКТИКА

**Япониялик олимлар ердан 12,91 миллиард ёруғлик йили узоқликда жойлашган галактикани аниқладилар.**



РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, мазкур галактика Гавайи оролларида жойлашган "Субару" телескопи ёрдамида аниқланган. Олимларнинг айтишича, галактика бундан 750 миллион йил аввал пайдо бўлган.

Тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари Масанори Иэнинг сўзларига кўра, олимлар ердан энг узоқ масофада жойлашган қадимий галактикаларни қидириш ишларини давом эттирмоқда.

**ЎзА.**

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# СОХТА ДИПЛОМНИНГ БИЛИМИ ҲАМ СОХТА!

## *Ёки мактаб директорининг "қалбаки" ўринбосари*

"Барибир олий маълумотли бўлиш яхшида! Оддий ишчи, деҳқон ёки бировнинг югурдаги бўлмайсан, қўлингни қора мойга урмайсан, ҳамма сени ҳурмат қилади ва "зиёли", "устоз" деб аташади..."

Бир неча муддат Оҳангарондаги 57-умумтаълим мактаби директори ўринбосари лавозимида ишлаган Ирода Абдалиеванинг миясига бундан 16 йил аввал тахминан шундай фикр келган бўлса ажаб эмас. "Ўқиш бошқа, уқиш бошқа" деган гап эса, ўша пайтлари И. Абдалиеванинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак...

Айнан ўша даврларда Ирода Абдалиева узоқни кўзлаб, Ангрен шаҳар давлат педагогика институтининг математика-физика факультетидаги ўқишини тугатмай, 50 минг сўм эвазига (ўша пайтда бу катта пул эди!) бошланғич таълим факультетини тугатганлиги ҳақида "бошланғич синф ўқитувчиси" мутахассислиги бўйича сохта диплом сотиб олди ва унинг ёрдамида юқоридаги умумтаълим мактабига ишга жойлашди.

Қарангки, 1997 йилдан бери мактабдагилардан ҳеч бир зот И. Абдалиева бошқа факультетга ўқишга кириб, умуман бошқа соҳа бўйича диплом олганини сезмабди-я! Ҳатто, битта маҳаллада яшашса ҳам... Ёки сезишни хоҳлашмаганмикан?!

Хуллас, агар бир ҳодиса юз бермаганда, бу сохта мутахассис то пенсиягача барчани лақиллатиб юрарди, Ирода Абдалиеванинг "билимлари" на мутасаддиларда ва на ҳамкасабаларида шубҳа уйғотди. Аксинча, оддий ўқитувчидан директор ўринбосари лавозимигача кўтарилди. Гап шундаки, ҳаром йўл билан қўлга киритилган қалбаки диплом бўйича прокуратура ходимларида шубҳа уйғонди ва улар институтга мурожаат этганда, вазият ойдинлашди.

Суд тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, И. Абдалиевага унинг иш ҳақидан давлат фойдасига 20 фоиз ушлаб қолиш шарти билан 2 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

**Икром КЕЛДИЕВ.**

РАССОМ ХАНДАСИ




caricatura.ru

## ҚУЁШ БАТАРЕЯСИДА ҚАНЧА ВАҚТ УЧАДИ?

**AFP агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, қуёш батареясида ишловчи, учувчи бошқарадиган Solar Impulse самолёти қитъалараро рекорд даражадаги учишни якунлаб, Марокко пойтахти Рабате шаҳрига эсон-омон қўнди.**

Мароккониннг қуёш энергияси бўйича агентлиги делегацияси самолётнинг қўнишини кузатди. Solar Impulse ҳавода деярли 48 соат бўлиб, 2500 километрга яқин масофани босиб ўтди. Бу қуёш батареяси билан ишлайдиган, учувчи бошқарадиган аппаратлар тарихидаги энг узоқ ва олис парвоздир.

Парвоз 24 май куни Швейцариядан бошланди. Кейинги куни самолёт Испания пойтахти Мадридга етиб келди. Бу ерда руҳшунос ва саёҳатчи Бертран Пикар учувчи Андре Боршберни алмаштириши лозим эди. Ушбу тўхташ режада белгиланган уч кун эмас, балки ноқулай об-ҳаво туфайли бир мунча чўзилиб, 5 июнь куни давом эттирилди.

Solar Impulse қанотларининг узунлиги 63,4 метр, оғирлиги эса бор-йўғи 1,6 тонна.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

БУ – ҚИЗИҚ

## БАЛИҚЛАР ҲАМ САНАЙ ОЛАДИ



Балиқлар тўртгача санашни билар экан. Европалик олимлар олиб борилган тадқиқотлар натижасида мазкур мавжудотлар фақат тўрттагача предметни кўзлари билан илғай олиш қобилиятига эга эканини аниқлади.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, балиқлардан ташқари маймунлар ва дельфинлар ҳам оддий математика асосларини билади.

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такроран аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 08.10.2009 йилдаги 13436-38/22-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 52 227 900 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кунаев кўчаси савдо растасида жойлашган, умумий майдони 57 кв.м. бўлган бир қаватли бино-дўкон қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 29 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-642. Адади 12287. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12345